

Сут пули

09:05 / 14.09.2017 15576

Савол:

Ассалому алайкум! Маҳр ҳақида топиб ўқидим раҳмат. Лекин шуларни ўқиш жараёнида “Қалин пули бидъат” дейилган жавобга рўбарў келдим. Бунинг сабаби нима? Шу ҳақида батафсил изоҳ берсангизлар.

2. Биз ўзбекларда қалин пулидан ташқари сут пули ҳам олинар экан. Сут пули шариатимизда бор нарсаси? Баъзан эшитиб қоламан сут пули ва қалин олингандан кейин, никоҳ ўқиладиганда палончи маҳрга фалон нарса сўрабди деган гап сўзларни. Шариатимизда бунга қандай изоҳ берилади?

Жавоб:

["Зикр аҳлидан сўранг" ҳайъати](#)

Ва алайкум ассалом!

Аллома Ҳаскафий : **“Келин тараф, келинни куёвга топшираётган пайтида оладиган нарсасини эр қайтариб олишга ҳақлидир. Чунки у пора ҳисобланади”** деганлар. (Дуррул мухтор).

Ибн Обидин раҳматуллоҳи алайҳ ушбу иборани шарҳлаб : **“Келиннинг ака ёки шу кабилар куёв тарафидан бирор нарса (қалин пули ёки сут пули) олмагунларича келинни бермасалар, шунингдек қалин пулини олмагунича синглиларини беришдан бош тортсалар, (эр ўша пулни берса) пул ҳолида ёки ўзгартирилган ҳолида қайтариб олиш ҳаққиға эгадир. Чунки эрни уларга берган нарсаси пора ҳисобланади”** деганлар. (Роддул мухтор).

Бунинг ўрнига шариатимиз аёл кишининг ўзига мулк қилиб бериладиган маҳрни жорий қилган.

«Маҳр» ақди никоҳ ёки эр-хотин бўлиш билан эрнинг зиммасига юкланадиган хотинга берилиши лозим бўлган молдир.

Маҳр турли номлар билан номланади, Қуръони Каримда садоқ, садақа, ажр, фарийза, ниҳла атамалари ишлатилган.

Баъзи уламолар маҳрнинг ўнта номи борлигини айтганлар. Бизда «маҳр» атамаси машҳур бўлгани учун шу сўзни қўллаймиз.

Аллоҳ таоло Нисо сурасида шундай деган:

